

ДОРИВОР ДАЛАЧОЙ ДАМЛАМАСИНИНГ ЖИГАР ВА ЎТ ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

Ш.Ш.Бобожонова, К.Ш.Болтаева

Тошкент фармацевтика институти Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси.

Ишнинг мақсади: Далачой доривор ўсимлик сифатида бир неча йиллардан бери ўрганилиб, қўлланилиб келинмоқда. Шу сабабли кафедра ходимлари доривор далачой ўсимлигининг организмга таъсирини, жигар ва ўт пуфаги яллиғланишига, ўт ажралиб чиқиш жараёнини яхшилашга ёрдам беришини ва организмда қон айланишни яхшилаш, инсонни ёшартиришини ўрганишни мақсад қилиб қўйди.

Усуллар: Тажриба учун ўнта ўт пуфаги яллиғланиш ва жигар касалига чалинган ва ёғ махсулотларини хазм қилиши қийин бўлган беморлар кузатилди. Уларга бир ой мобайнида далачой дамламаси 100 мл. дан 3 махал овқатланишдан 30 минут олдин ичириб турилди ва кузатилди.

Натижалар: Тажриба натижалари бўйича биринчи ўн кунликда беморларда унчалик ўзгаришлар сезилмади. Эхокардиография натижалари: Аорта ўлчами 3,4 см., чап бўлинма ўлчами 4 см., ўнг қоринча коваги ўлчами 2,20 см, чап қоринчалараро тўсиқ ўлчами 4,9 см. КСР 3,07 см, қоринчалараро тўсиқ 0,8 см, аорта клапани очилиши 1,7 см, биринчи даражали митрал етишмовчилик, чап қоринча мушакларининг 30% , биринчи типдаги чап қоринчанинг диастолик дисфункцияси. Қоннинг биохимик тахлили: умумий оксил 70 гр/литр, альбумин 42 гр/литр, глюкоза 6,0-9,0-7,3 ммоль/л, АЛТ 35,6 ммоль/л, АСТ 22,3 ммоль/л, билирубин умумий 10,6 мкмоль/л, текис 2,0 ммоль/л, нотекис 8,6 ммоль/л, тимол пробаси 2,0 ТБ. Холестерин 4,50 ммоль/л, юқори зичликдаги холестерин 0,81 ммоль/л, паст зичликдаги холестерин 3,57 ммоль/л, триглицеритлар 1,7 ммоль/л. Йигирманчи ва ўттизинчи кунларда беморларда яққол сезиларли даражада ўзгаришлар кўрина бошлади. Уларда овқат хизм қилиш яхшиланиб, ўт ажралиб чиқиш жараёни меъёрга тушиб, кўнгил айниш, кекириш белгилари бартараф этилганлиги ва юзга қизиллик югурганлиги кузатилди. Беморлардан умумий ва биохимик қон тахлилларида яққол ўзгаришлар кузатилди. Холестерин ва креатинин миқдори камайгани кузатилди.

Хулосалар: Олинган натижалар далачой дамламасининг таркибида ёшартирувчи, умумий қон айланишни яхшиловчи, стимулловчи, ўт йўллари яллиғланиши белгиларини бартараф қилувчи, жигар хужайралари ва тўқимасини тикловчи, майда капиллярларда қон айланишни яхшиловчи доривор ўсимлик сифатида қўллаш мумкинлигини тасдиқлади.